

ХУРСАНД КАРИМОВ

Орзулар қанотида

(шеърлар)

НУКУС
«ҚАРАҚАЛПАҚСТАН»
2008

84(59)6-5

Хурсанд Каримов. ОРЗУЛАР ҚАНОТИДА (шеърлар)
Нукус: «Қарақалпақстан» нашриёти, 2008. 16 бет.

Хурсанд Каримов Эллиққалъа туманида туғилган. 2006-йилдан О. Худайшукуров номидаги санъат ва педагогика коллежи талабаси. 2007-йил Жиззахда ўтказилган ёш ижодкорларнинг «Замин семинари» иштирокчиси. «Орзулар қанотида» — авторнинг илк тўплами.

Китоб Эллиққалъа санъат ва педагогика коллежи маъмурияти қўллаб-қувватлаши билан чоп этилди.


in 34686
Ю 34686
091

МУНДАРИЖА

Ўзбекистон.....	3	Келакол, янги йил.....	10
Қорақалпоғим.....	3	Ўз севгани бор қиз.....	11
Бўстоним.....	5	Дильноза.....	11
Онажонимдан айирма.....	6	Сени севмай бўларми.....	12
Сендан сўрашмас.....	7	Сирли боқишларингдан.....	13
Отажан.....	7	Қайга бораман?.....	13
Мустақиллик.....	8	Махлиё.....	14
Бу кун ўтар.....	9	Шу захот.....	15

S 4803270201 В—2008
М 357 (04) — 2008

ISBN 978 - 9943 - 346 - 34 - 5



© «Қарақалпақстан» нашриёти—2008

ЎЗБЕКИСТОН

Хур ўлкам, диёримсан Ўзбекистон,
Дунёни яшнатган тенгсиз гулистон.
Ҳар кунингда битилар минг бир дoston,
Жахонда мафтункор, чиройли бўстон.

Бу дунёда кўпдир гўзал диёрлар,
Кўпдир бу жахонда тенгсиз гулзорлар.
Лекин, Ўзбекистон ватаним, сенинг
Ҳар бир кафт тупрогингга улар зорлар.

Серсув дарёларинг тинмай оқади,
Мусаффо осмонинг гузалдур доим.
Хуснингга дунё махлиё боқади,
Чунки сенга назар солган Худойим.

Дунёда барча юртлардан гўзалсан,
Доим йўлимизга сочилган зарсан.
Кучофингда яшармиз қайғу-ғам йўк,
Ҳардам тенгсизсан, ўктам, мўзаффарсан.

ҚОРАҚАЛПОҒИМ

Қанча давонлардан ошган Туронсан,
Қудрати шамолдек тўфон суронсан,
Бағри баҳорларга тўла маконсан,
Дилимда сақлаган тенгсиз ардоғим.
Жаннатдан яралган Қорақалпоғим.

Кўзидан тарқалур меҳр учкуни,
Зинхор бўлмагайдир қаҳр туткуни,

Ўтмиши, эртаси, ёруғ бугуни,
Кўлида хилпирар хурлик байроғим.
Жаннатдан яралган Қорақалпоғим.

Кўксида вафодан қуёшлари бор,
Ток недир осмондек бардошлари бор,
Қар ёнида жондош, дилдошлари бор,
Нурлардан келган бу уруғ аймағим.
Жаннатдан яралган Қорақалпоғим.

Ким билмас Кунхўжа улуғ аждодни,
Ажиниёз дилда буюк баётни,
Бердақ бобом номи мангу ҳаётни,
Олам сиғар агар очса қучоғим.
Жаннатдан яралган Қорақалпоғим.

Сенинг ўзбек билан қонинг бир эрур,
Кўксингда юрагинг жонинг бир эрур,
Шухратинг, шавкатинг, шонинг бир эрур,
Биринг кош бўлсангиз биринг қароғим.
Жаннатдан яралган Қорақалпоғим.

Гиёҳларга макон нурли даладан,
Эртанг яралмоқда буюк палладан,
Ўтмишингни изла Эллиққалъадан,
Аёзу, Гулдурсин, Қирққиз, Тупроғим.
Жаннатдан яралган Қорақалпоғим.

Доим меҳр балқийди кўзингга борман,
Мудом тинчлик дейсан, сўзингга борман,
Эл учун тинмайсан ўзингга борман,
Мақтайверсам сира етмас адоғим.
Жаннатдан яралган Қорақалпоғим.

Шундай халқим бор бизга тахтдир ўзи,
Ватанни деб қурашга шахтдир ўзи,
Хурсанд учун энг олий бахтдир ўзи.
Отам дейму Онам ёки ўртоғим.
Жаннатдан яралган Қорақалпоғим.

БҮСТОНИМ

Мудом баҳор шамолидир
Боғ эрам жаннатинда,
Бу жаҳоннинг кўрки бордир
Тенги йўқ савлатингда,
Билмам сеҳрлар бормикан
Ё гузал сийратинда,
Саҳроларнинг ўртасида
Маржонмисан, дурмисан.
Эй, Бўстони́м хурлар ичра
Ўзинг танхо хурмисан?

Бир зумда бу осмонларга
Етиб қолибди бўйинг,
Юксакликка интилишдир
Доим хаёлинг, ўйинг:
Жамолига!
Камолига!

Кўз тегмасин деб кўйинг,
Саҳроларнинг ўртасида
Маржонмисан, дурмисан.
Эй, Бўстони́м хурлар ичра
Ўзинг танхо хурмисан?

Самодаги ойдек бизни
Юксакликка чорлаган,
Эли учун, халки учун
Доим йўгин борлаган,
Билармисан сенга бахтни
Тангрим ўзи ёрлаган
Саҳроларнинг ўртасида
Маржонмисан, дурмисан.
Эй, Бўстони́м хурлар ичра
Ўзинг танхо хурмисан?

Бир ёнинг Тупроккаладир,
Бир ёнинг Қабаткаля,
Бир ёнингда Ақчакўл—у
Бир ёнинг нури дала,

Барча эрур мужассам
Бўлиб бир Элликкаля,
Саҳроларнинг ўртасида
Маржонмисан, дурмисан.
Эй, Бўстони́м, хурлар ичра
Ўзинг танхо хурмисан?

Бу жаҳон узра етгулик
Меҳр бордур кучоғинда,
Халкинг яшар фахрлиниб
Доим шу ардоғинда,
Хатто буюклар сайрда
“Ижодкорлар боғи” нгда
Саҳроларнинг ўртасида
Маржонмисан, дурмисан.
Эй, Бўстони́м, хурлар ичра
Ўзинг танхо хурмисан?

Неча—неча буюкларнинг
Кудрати бор бу элда,
Эзгуликда юксалишдек
Нияти бор бу элда,
Яратганнинг тилаб берган
Неъматини бор бу элда
Саҳроларнинг ўртасида
Маржонмисан, дурмисан.
Эй, Бўстони́м, хурлар ичра
Ўзинг танхо хурмисан?

Халкинг буюклик йўлига
Белин маҳкам боғлаган,
Юраи ида тинчлик деган
Улуғ сўзни ёқлаган,
Шу юрт фарзандиман деб
Элинг кўнглин тоғлаган,
Саҳроларнинг ўртасида
Маржонмисан, дурмисан.
Эй, Бўстони́м, хурлар ичра
Ўзинг танхо хурмисан?

Боболарим қонида бор
Аҳди бордир тенги йўк,
Юрагида шамол каби
Шаҳди бордир тенги йўк,
Бу Хурсанднинг қучоғингда
Баҳти бордир тенги йўк
Саҳроларнинг ўртасида
Маржонмисан, дурмисан.
Эй, Бустоним, хурлар ичра
Ўзинг танхо хурмисан?!

ОНАЖОНИМДАН АЙИРМА

Ҳеч ҳам кетгим келмас иссиқ бағридан,
Онамнинг дарёдек тошқин меҳридан.,
Мен учун асраб дунёнинг қаҳридан,
Онажонимдан айирма Оллоҳим.
Меҳрибонимдан айирма Оллоҳим.

Таъзим қилиб қанча хизмат қилсам ҳам,
Барибир қилганимнинг барчасидир кам,
Ғамимга ҳар бир ширин сўзлари малҳам,
Онажонимдан айирма Оллоҳим.
Жонажонимдан айирма Оллоҳим.

Дунёда қанча фарзанд меҳрга зор,
Қанчалаб оналар фарзандсиз хор,
Онамсиз менга бу кенг жаҳон тор.
Онажонимдан айирма Оллоҳим.
Қадрдонимдан айирма Оллоҳим.

Қалбида барчага бордир садокат,
Она фақат биз учун қилар токат,
Шунча азоб кўрди кўрсинлар роҳат,
Онажонимдан айирма Оллоҳим.
Меҳрибонимдан айирма Оллоҳим.

СЕНДАН СЎРАШМАС

Ҳаёт давом этар сендан сўрашмас,
Бахт келарму кетар сендан сўрашмас.
Ким орзуга етар сендан сўрашмас,
Умринг шундай ўтар, сендан сўрашмас.

Кимдир хаёлда вақт ўтганин сезмас,
Кимдир ёнида бахт кутганин сезмас.
Ким ўзидан омад кетганин сезмас,
Кимга нени битар, сендан сўрашмас.

Гўзал онлар кутиб турса ҳам сени,
Шодлик вужудингда юрса ҳам сени.
Тақдир ҳар ёнларга бурса ҳам сени,
Баҳор, ё куз ўтар, сендан сўрашмас.

Умринг ўтаверар тинмай шу онда,
Гоҳ ғам, гоҳо қувонч бошта фармонда.
Ким яшар орзуда, кимдир армонда,
Ҳаёт нени истар, сендан сўрашмас.

Шундай қизик экан дунё ишлари,
Гоҳо рўёб бўлар кимнинг тушлари.
Аста ўсар эзгуликнинг нишлари,
Лекин умринг ўтар, сендан сўрашмас.

ОТАЖОН

Қўш соҳил бўлбўли бўлган,
Улуғ устозим Отажон.
Тўй-байрамлар гули бўлган,
Улуғ устозим Отажон.

Номингиз дилларда ўлмас,
Сиздек устоз қайта келмас.
Сизга меҳр асло сўнмас,
Улуғ устозим Отажон.

Ўзбек, татар, қорақалпоқ,
Эллар қилар сизни ардоқ.
Саънатимизда сўнмас чирок,
Улуғ устозим Отажон.

Чертган тори жонга дармон,
Эшитмаган қилган армон.
Қушиқлари чексиз осмон,
Улуғ устозим Отажон.

Овози фалакка етган,
Тун кунга айланиб кетган.
Комилжон қулидан тутган,
Улуғ устозим Отажон.

Юртим жамолин куйлаган,
Ватан камолин куйлаган.
“Жайхун шамолин” куйлаган,
Улуғ устозим Отажон.

Эрта тонг уйғониб кетдим,
Мен ҳам сизга қўшиқ битдим.
Рухингиз қўллашин кутдим,
Улуғ устозим Отажон.

МУСТАҚИЛЛИК ДЕГАН ГЎЗАЛ

Юртим, сени жамолингни,
Кўрган кўзлар камашар.
Сенга фақат гулла-яшна,
Деган сўзлар ярашар.

Сенда бахтини излаган,
Ойдек юзлар ярашар.
Фақат тинчликдан сўзлаган,
Одил сўзлар ярашар.

Тинчлик уфрар баданингда,
Нур таралар масканингдан,

Меҳр билан ҳар чаманингдан,
Ўтган излар ярашар.

Доим суянган суягинг,
Кўксингда урган юрагинг,
Сени нурдай келажагинг,
Ўғил-қизлар ярашар.

Боғларда шамоллар майин,
Ифорлари лоладайин.
Ўн олти ёш боладайин,
Ширин хислар ярашар.

Дарёларинг тиник зилол,
Чаманларинг тенгсиз хилол.
Кенг дастурхонингда ҳалол,
Нону-тузлар ярашар.

Гўзал тонгта бўлиб маҳтал,
Битди Хурсанд ўғлинг ғазал.
Мустақиллик деган гўзал,
Мангу тўйлар ярашар.

БУ КУН ЎТАР

Эй, банда умр ғамларидан йиғлама,
Бир кун ҳаёт шодлигига тўларсан.
Юрагинг ғамлама, қалбинг тиглама,
Бу кун ўтар, кўрмагандек бўларсан.

Хижронларга тўлса юрак хисларинг,
Ғоҳо кузги ҳазон гулдек сўларсан.
Бунчалар ғамгинли қилма кўзларинг,
Бу кун ўтар, кўрмагандек бўларсан.

Ғоҳода қўлингда давлатинг бўлса,
Кўкрак кериб ўзни ойда кўрарсан.
Яратганнинг синаб гар сабри тўлса,
Бу кун ўтар, кўрмагандек бўларсан.

Гоҳида яшашга маъно топилмас,
Шў он калбингни беаён тиларсан.
“Оққан дарё оқар” олди ёпилмас,
Бу кун ўтар, кўрмагандек бўларсан.

Доим вафо килиш инсонларга хос,
Жафодек хасратни нима қиларсан.
Бир кун дерсан: Хурсанд айтганларинг рост
Бу кун ўтар, кўрмагандек бўларсан.

Эй, банда умр ғамларидан йиғлама,
Бир кун ҳаёт шодлигига тўларсан.
Юрагинг ғамлама, калбинг тиглама,
Бу кун ўтар, кўрмагандек бўларсан.

КЕЛАҚОЛ ЯНГИ ЙИЛ

Табиат сеҳридан лол қолибман мен,
Юрак эса сўрар билмадим нени.
Жонимнинг интиқиб кутганисан сен,
Келақол янги йил соғиндим сени.

Юрагим тафтингдан жўшиб кетдику,
Ўйимга ўйларни қўшиб кетдику,
Болалик ёдимга тушиб кетдику,
Келақол янги йил соғиндим сени.

Сен каби тозадир номусу-ор ҳам,
Изхорин айтади, суюкли ёр ҳам,
Сен билан келади биринчи қор ҳам
Келақол янги йил соғиндим сени.

Осмон булут дилда қуёш чарақлар,
Юрагим соғинч дафтарин варақлар,
Совуқ келди эшик тарак-тараклар,
Келақол янги йил соғиндим сени.

Қаҳринг жонга ёкар баҳордай майин,
Ўйлагим келар эҳ, ўйлаган сайин.
Эй, Хурсанд кел яна бир оз кутайин,
Келақол, янги йил соғиндим сени.

ЎЗ СЕВГАНИ БОР КИЗ.

Мен сени энг биринчи курган чоғда,
Орзу қилгандим: бўлсинг менга ёр киз.
Лекин кетдинг мени қолдириб доғда,
Қайлардасан, эй, ўз севгани бор киз.

Дилда туғёнлар буй сунмаса нетай,
Хислар айриликка қўнмаса нетай.
Қалбда муҳаббатим сунмаса нетай,
Қайлардасан, эй, ўз севгани бор киз.

Қанчалар ишқингда зор бўлдим ўзим,
Сен учун ҳар нега бор бўлдим ўзим.
Чексиз армонларга ёр бўлдим ўзим,
Қайлардасан, эй, ўз севгани бор киз.

Нетайин иложсиз изларинг изладим,
Дилга тинчлик бермас сўзларинг изладим.
Кўзим қамаштирган кўзларинг изладим,
Қайлардасан, эй, ўз севгани бор киз.

Хижронларингдан қуйиб-ёндим нетай,
Гох-гоҳида дунёдан тондим нетай.
Ахир бошим олиб қайларга кетай,
Қайлардасан, эй, ўз севгани бор киз.

Шумиди сен айтган соф муҳаббатинг,
Айтгин, шумиди сенинг садоқатинг.
Қайда бўлсанг севиб қолар Хурсандинг,
Қайлардасан, эй, ўз севгани бор киз.

ДИЛНОЗА

Хаёлимни олиб қўйган эй, санам,
Ўйларимда қолиб қўйган эй, санам.
Дилга ўтлар солиб қўйган эй, санам,
Бир туйғу севгидан бермоқда дарак.
Дилноза сени деб урмоқда юрак.

Бир бор бокишинга боғланди дилим,
Шўх-шўх кулишинга чоғланди дилим
Сен бир сўз айтингу тоғланди дилим,
Сенсиз менга юрак айтгин не керак.
Дилноза сени деб урмоқда юрак.

Бир дам вужудимни жон тарк этганда,
Нигоҳинг дилимга сингиб кетганда,
Туйғуларим сенга изҳор этганда,
Изларинда зинҳор қилмагин халак,
Дилноза сени деб урмоқда юрак.

Севгингни тутмагин энди пинҳона,
Ахир хаёлимда ўзинг ягона,
Ёлғизим бошқа ҳеч топмай баҳона,
Хурсанд учун бўлгин суюкли малак.
Дилноза сени деб урмоқда юрак.

СЕНИ СЕВМАЙ БЎЛАРМИ

Тўлин ой ҳам бош эгар юзларингга,
Бағри тош ҳам юмшалар сўзларингга.
Барча бунча термулар кўзларингга,
Шунда сени севмай бўларми ахир.

Васлингни қуёшга киёслаб бўлмас,
Канча тарифласам ҳеч кўнглим тўлмас.
Хуснингга боксам-да кўзларим тўймас,
Шунда сени севмай бўларми ахир.

Тунлари маржондек тизилар юлдуз,
Хаттоки кўзлардек сузилар юлдуз.
Сенинг кўзинг маржон кеча-ю кундуз,
Шунда сени севмай бўларми ахир.

Бир бокишингда бўлдим хуснинг гадоси,
Дук-дук урган юрагингни садоси.
Бордир мендек канча ишқинг адоси,
Шунда сени севмай бўларми ахир.

СИРЛИ БОКИШЛАРИНГДАН

Тинч ётган туйғулар уйғониб кетди,
Жоним сенинг сирли бокишларингдан.
Юракгинам бирдан тўлғониб кетди,
Жоним сенинг сирли бокишларингдан.

Ширин хислар тинчлик бермаса нетай,
Хуснинг кўз олдидан кетмаса нетай.
Тунлар кўзга уйқу келмаса нетай,
Жоним сенинг сирли бокишларингдан.

Севги сурурли деб суйиб қоламан,
Гоҳо мухаббатдан тўйиб қоламан.
Ширин орзуларни туйиб қоламан,
Жоним сенинг сирли бокишларингдан.

Ўн беш кунлик ойнинг нури сенгадир,
Дилнинг ҳеч ким билмас тури сенгадир.
Орзуларимнинг энг зўри сенгадир,
Жоним сенинг сирли бокишларингдан.

ҚАЙГА БОРАМАН?

Яна ўтли нигоҳ бокишинг истаб,
Ўша илк учрашган жойга бораман.
Майли, куйсин, дилни ёқишинг истаб,
Сирларинг яширин сойга бораман.

Хаётим боримни кўрмадингми деб,
Тунлари зоримни кўрмадингми деб,
Бир эрка ёримни кўрмадингми деб,
Гоҳ ўзи безовта ойга бораман.

Ўзинг билмай бошга бало қилибсан,
Туним ҳам кундузим каро қилибсан,
Мухаббатдан дилни яро қилибсан,
Даво истаб гоҳо майга бораман.

Мисоли кунчадек буйларинг чалган,
Гоҳо ширин-ширин уйларинг чалган,
Мендан ўзга билмас куйларинг чалган,
Ўша сирли садо найга бораман.

Исминг дилда ўчмас садо қилдинг сен,
Ишқинг йўлларида гадо қилдинг сен,
Хурсандни бунчалар адо қилдинг сен,
Энди сени излаб қайга бораман?

МАҲЛИЁ

Энди ўзинг қайлардасан эй, пари,
Жамолинга мени этиб маҳлиё.
Танга ҳаво керак каби сингари,
Нетай, сенсиз, яшолмасман, Маҳлиё.

Ахир, пойинга бахш этганман борим,
Шунда ҳам мен томон бокмадинг қиё.
Не куйларда қолиб кетса ҳам борим,
Нетай, сенсиз, яшолмасман, Маҳлиё.

Умидлар сен томон юриб турибди,
Дилимда хис қайда! Йўқдир бир зиё.
Юрак сен деб зўрға уриб турибди,
Нетай, сенсиз, яшолмасман, Маҳлиё.

Агар ёнимда сен йўк бўлсанг бир дам,
Ишқ боғимда унмагайдир ҳеч гиё.
Менинг тиним ўғирлаган эй, санам,
Нетай, сенсиз, яшолмасман, Маҳлиё.

Фақатгина бўлма мен учун қайғу,
Сен йўк бу ҳаётим тўхтайтиди гўё.
Жамолинга етиш Хурсандга орзу,
Нетай, сенсиз, яшолмасман, Маҳлиё.

МУҲАББАТ

Муҳаббатни не деб сурсалар мендан,
Ҳаётнинг маъноси дердим шу захот.
Ҳижронда гоҳ сўлиб, гоҳо гуллаган,
Гулларнинг раъноси дердим шу захот.

Севиб севгисининг адоси бўлган,
Ишқнинг гумбурлаган садоси бўлган,
Ёрининг йўлида фидоси бўлган,
Мажнуннинг Лайлоси дердим шу захот.

Муҳаббатдан дилга бориб тегса ўк,
Ундан қутилишнинг ҳеч иложи йўқ
Севгини азоб деб ўйламанг сиз, йўқ,
У бахтнинг дарёси дердим шу захот.

Ширин ҳаёлларда оқиб тўймаган,
Дилга ишқ ўтини ёқиб тўймаган.
Ёрининг васлига боқиб тўймаган,
Асли ҳусн шайдоси дердим шу захот.



ХУРСАНД КАРИМОВ

Орзулар канотида

(шеърлар)

*Нукус
«Қарақалпақстан»
ўзбек тилида*

Бош муҳаррир
Муҳаррир
Бадий муҳаррир

Жийенбай Избасканов
Гулистан Пирназарова
Көшкинбай Рейнназаров

ИБ № 34

Теришта берилди 25. 12. 07. Босишга рухсат этилди 11. 08. 08. Қовоз бичими 84 x 108_{1/32}. Офсет услубида босилди. Гранитураси—«Таймс» Хажми 0,5 б.т. 0,84 шартли б.т. 0,83 ҳисоб б.т. Нашр 1000 нусхада. Буюртма № 277. Баҳоси шартнома бўйича.

«Қарақалпақстан» нашриёти: 742000 Нукус шаҳри,
Қорақалпоғистон кўчаси 9

«ARNAPRINT» МЧЖ босмаҳонасида чоп этилди.
Тошкент, Х. Бойқаро кучаси, 41